

## ТАРЖИМА ЖАРАЁНИДА МУТАНОСИБЛИК/НОМУТАНОСИБЛИК ТУШУНЧАСИ

Қосимова Нафиса  
БухДУ доценти, PhD

Таржима жараёни аслият мазмунини ўзига хос тизим сифатида акс эттириш омили экан, уни мутаносиблик/номутаносиблик нуқтаи назаридан ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Таржима жараёнидаги асимметрияни ўрганиш тушунча ва терминлар тизимига тиллараро асимметрия тушунчасини киритишнинг мақсадга мувофиқлигини кўрсатди. Аслида таржимон бир белгили тизим (аслият тили) қийматини бошқа белгили тизим (таржима тили) қийматига ўгириш, бошқача айтганда, у ўз фаолиятида нафақат аслият матни унсурларининг луғавий маъноларини бериш, балки аслият ва таржима тили лисоний бирликлари орасидаги қийматни излаб топиш ва ўринли қўллаш билан ҳам шуғулланади.

Тиллараро таржима мувофиқликлари таржиманинг лингвистик назарияси томонидан "лисоний ва нолисоний омиллар билан шартланган объектив реаллик" сифатида қабул қилинган<sup>1</sup>. Таржимадаги мунтазам мувофиқликлар назарияси биринчи марта Я.И. Рецкер томонидан 1950 йилда нашр этилган асарида баён этилган. Олим мунтазам мувофиқликларнинг учта тоифаси, яъни эквивалентлар, аналоглар ва адекват алмашилишларни аниқлади<sup>2</sup>. У эквивалентларга, одатга кўра, фақат "контекстга боғлиқ бўлмаган доимий эквивалент мувофиқликлар"ни ифодаловчи икки тил сўзларини киритган. Бошқа икки тур – аналоглар ва етарли алмаштиришлар эса контекстуал мувофиқликларга тегишли бўлган ва эквивалентлар деб ҳисобланмаган. Соссюрнинг *langue* и *parole* га бўлинишига амал қилган ҳолда, Я.И. Рецкер эквивалентлар ва бошқа иккита тоифадаги мувофиқликлар тоифаси ўртасидаги принципиал фарқ ҳақида "эквивалент мувофиқликлар тил соҳасига тегишли, охириги иккитаси эса нутқ соҳасига тааллуқлидир", – деб ёзган<sup>3</sup>. Бироқ, Я.И.Рецкер томонидан таклиф қилинган эквивалентни тор тушуниш бошқа тадқиқотчилар томонидан таржиманинг лингвистик назарияси ривожланишининг дастлабки босқичидаёқ қабул қилинмади, чунки таржима назарияси қиёсий тилшуносликдан фарқли ўлароқ, "нафақат доимий тиллараро эквивалент мувофиқликларни, балки эквивалентликнинг ўз таржима тушунчасини аслият ва таржима элементларининг соф нутқий эквиваленти сифатида ҳам ҳисобга олиши керак" деб эътироф этилган<sup>4</sup>. Ушбу концепцияни кенгайтирилган тарзда талқин қилиш ва "доимий бўлмаган", яъни нутқий, контекстуал эквивалентликни ажратиш мумкинлигини биринчи бўлиб Ю.Найда ва Ж. Кэтфордлар таъкидлашган. Ю. Наيدا томонидан олиб борилган тадқиқотлар таржиманинг лингвистик назариясига мувофиқ дастлабки асарлар орасида алоҳида ўрин олган. Айрим олимлар уни аслида аввал ҳам муҳокама қилинган коммуникатив таржима назарияларининг асосчиси деб ҳисоблашади. Динамик ("доимий бўлмаган", нутқий) эквивалентлик тушунчасини илгари сурган Ю.Найда

<sup>1</sup> Виноградов В.С. Лексические вопросы перевода художественной прозы. М.: Изд-во МГУ, 1978.

<sup>2</sup> Рецкер Я.И. О закономерных соответствиях при переводе на родной язык // Теория и методика учебного перевода. М.: Изд-во Акад. пед. наук РСФСР, 1950. С.156-183.

<sup>3</sup> Рецкер Я.И. Теория перевода и переводческая практика. М.: Международные отношения, 1974.

<sup>4</sup> Шадрин В. И. «Мышление вслух» как метод исследования процесса перевода // Материалы II Международной научной конференции по переводоведению «Федоровские чтения». Выпуск 2. СПб: Филологический факультет СПбГУ, 2001. С.387-394.

уни нафақат формал тил эквивалентлигига қарши қўйди, балки уни охиргисига нисбатан устувор сифатида тан олди. Ю Найдага биноан, эквивалентлик айнан ўхшашликни англатмайди ва динамик эквивалентлар айнан бир хил бўлган эмас, балки ўхшаш коммуникатив конекстуал маънога эга. Ю.Найда икки матннинг коммуникатив ва контекстуал маъносининг ўхшашлигини аниқлашнинг муҳим мезони ТМ қабул қилувчисининг реакцияси деб ҳисоблаган, у айтганидек, бу ММни қабул қилувчисининг реакциясидан сезиларли даражада фарқ қилмаслиги керак<sup>5</sup>.

Ж. Кэтфорднинг эквивалентлик концепцияси М.А.Халлидейнинг турли хил синфлар бирликларидан фойдаланган ҳолда турли хил формал миқёсларда (фонологик, лексик ва грамматик) фонемадан тортиб гапгача контекстда алоқа сифатида ифодаланадиган тил фаолияти назарияси билан боғлиқ. Шунга кўра, Ж. Катфорднинг формал эквивалентлари бир хил миқёсдаги ёки грамматик синфнинг бирликлари бўлиб, улар объектив равишда икки хил тилда маъно жиҳатидан тенг деб тан олиниши мумкин, матнли таржима эквивалентлари (textual translation equivalent) эса ҳар қандай, шу жумладан, миқёс ёки грамматик тоифага мос келмайдиган, таржима тилининг бирликлари ҳисобланади, улар муайян контекстда манба тилининг мос бирлиги (бутун матн ёки унинг бир қисми)га тенг бўладиб. Ж. Кэтфорд матнли таржима эквивалентлари миқёси ёки тоифасининг мос келмаслик ҳолатларини миқёсий ва категорик силжишлар сифатида белгилаб берган.

Демак, тиллараро мувофиқлик\номувофиқликнинг мураккаб ҳодиса эканлигини турли коммуникатив мақсадга йўналтирилган матнлар таржимаси қиёси жараёнида кузатиш мумкин. Аслият тили ва таржима тили орасидаги лисоний қийматни топиб, таржимада қўллаш энг самарали усуллардан бири бўлиб ҳисобланади. Мутаносиблик\номутаносиблик қонунларини билиш таржима жараёнини осонлаштиради ва унинг сифатини аслиятга яқинлаштиради. Бу айни пайтда аслият тили тизимининг таржима тили тизимига ўтказиш эҳтимоли бўлган «босими»га узил-кесил барҳам беради.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Виноградов В.С. Лексические вопросы перевода художественной прозы. М.: Изд-во МГУ, 1978.
2. Рецкер Я.И. О закономерных соответствиях при переводе на родной язык // Теория и методика учебного перевода. М.: Изд-во Акад. пед. наук РСФСР, 1950. С.156-183.
3. Рецкер Я.И. Теория перевода и переводческая практика. М.: Международные отношения, 1974.
4. Шадрин В. И. «Мышление вслух» как метод исследования процесса перевода // Материалы II Международной научной конференции по переводоведению «Федоровские чтения». Выпуск 2. СПб: Филологический факультет СПбГУ, 2001. С.387-394
5. Catford J.C. A Linguistic Theory of Translation. London: Oxford University Press, 1965.
6. Nida E.A., The Theory and Practice of Translation. Psycholinguistics // Psychology: a study of a science. Vol.6. – New York, 1963. P.244-316.

<sup>5</sup> Nida E.A., Taber C.R. The Theory and Practice of Translation. Leiden: E.J.Brill, 1974. Osgood C.E. Psycholinguistics // Psychology: a study of a science. Ed.by S.Koch, Vol.6. New York, 1963. P.244-316

<sup>6</sup> Catford J.C. A Linguistic Theory of Translation. London: Oxford University Press, 1965.